

## ЎЗБЕКИСТОН – БАҒРИКЕНГ ДИЁР

Дилора Давронова  
*эркин тадқиқотчи*

Глобаллашув жараёнлари тобора авж олиб бораётган бугунги кунда дунё давлатлари, турли халқлар, элатлар, турфа хил маданиятлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш, бағрикенгликни кенгайтириш муҳим масалалардан бирига айланиб бормоқда. Жаҳон ҳамжамиятида ялпи тинчликни таъминлашда бағрикенглик омили энг муҳим масалалардан биридир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1995 йил “Халқаро бағрикенглик йили” сифатида эълон қилинди. Шу муносабат билан 1995 йил 16 ноябрда Парижда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида эълон қилинган “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” (Declaration of principles on tolerance) қабул қилинди. 1996 йилда 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 51/95 резолюциясида аъзо давлатларни 16 ноябрда Халқаро бағрикенглик кунини нишонлашни тавсия қилди. Шундан сўнг 1997 йилдан буён мазкур сана бутун дунёда ҳар йили “Халқаро бағрикенглик кунини” сифатида нишонланади. Таъкидлаш керакки, БМТ тизими фаолиятида миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик масалалари муҳим аҳамиятга эга ва бу борада ҳам Ўзбекистон билан ўзаро яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. ЮНЕСКО томонидан бағрикенгликка доир 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, конвенция, келишув ва протоколлар қабул қилинган. Жумладан, “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да давлатлар, жамиятлар ва шахсларга кишилар ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараши таъкидланган. Ушбу ҳужжатда “бағрикенглик – бу инсонни, дунё маданиятларининг бой хилма-хиллигини, ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва қадрлашдир. У билим, очиқлик, мулоқот ва фикр, виждон ва эътиқод эркинлиги билан таъминланади. Толерантлик - бу фарқлардаги уйғунлик. Бу нафақат маънавий бурч, балки сиёсий-ҳуқуқий талаб ҳамдир. Тинчликка имкон берувчи фазилат бўлган бағрикенглик уруш тушунчасини тинчлик маданиятига алмаштиришга хизмат қилади. Толерантлик алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар томонидан амалга оширилиши керак. Толерантлик инсон ҳуқуқлари, плюрализм (шу жумладан, маданий плюрализм), демократия ва қонун устуворлигини таъминловчи масъулият” эканлиги таъкидланган.

Халқаро бағрикенглик кунини дунё мамлакатларида турли тил, миллат, элат, дин вакиллари билан ўзаро нишонлашдан асосий мақсад маданийтурфа хиллик, фикрлар, эътиқод, анъана ва одатларни ҳурмат қилиш орқали инсоният ва жаҳон тараққиётини таъминлаш, тинч ва фаровон ҳаёт барпо этишни тушунтиришдан иборатдир.

Тарихан Ўзбекистон ҳудудида турли миллат ва элат, тил ва дин вакиллари, урф-одат ва анъаналарга амал қилувчи кишилар яшаб келишган. Бу ҳудуд ва унинг кишиларни уларни бағрикенглик тамойиллари асосида қабул қилиб, ёнма-ён, ўзаро аҳилликда турмуш кечиришганлар, оғир кунларда бир бирларини қўллаб-қувватлаганлар. Биргина Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек халқининг бағрикенглиги яққол намоён бўлди.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлат эканлиги миллатлараро туотувлик ва

бағрикенгликни таъминламасдан сиёсий ва иқтисодий барқарор давлат барпо этиб бўлмас эди. Бу хусусида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов “кўп миллатли давлатда этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар миллий хавфсизлик тушунчасини шакллантирувчи омиллардан бири эканлиги аниқ бўла бошлади. Этник муносабатлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш собиқ совет маконида янги мустақил миллий давлатлар қарор топаётган даврда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. ...Ўзбекистон аҳолиснинг кўп миллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмақт қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига кўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда” деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”ни 1995 йил ратификация қилди.

1998 йил 6 ноябр куни Ўзбекистон ташаббуси билан ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессияси махсус йиғилиши Тошкентда бўлиб ўтди. Ушбу йиғилиш натижасида “Тинчлик маданияти ва аъзо давлатлардаги ЮНЕСКО фаолияти” номли Тошкент Декларацияси қабул қилинди. Ўз навбатида ушбу Декларация БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган 2000 йил “Халқаро тинчлик маданияти йили”нинг узвий ва мантиқий давоми бўлди.

ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган тинчлик маданияти йили дастури доирасида халқаро “Тинчлик маданияти учун Манифест -2000” дастури тайёрланди ва у Ўзбекистон томонидан ҳам имзоланди. 2000 йилда Халқаро тинчлик маданияти йили доирасида бевосита ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Ўзбекистонда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги миллий боғ, Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони, Бухоро шаҳридаги Пойи Калон, Хива шаҳридаги Ичан қалъа комплексида тинчлик маданияти йилига бағишланган оммавий тадбирлар ташкил этилди. Таъкидлаш керакки, Тошкент шаҳри 1983 йил БМТнинг “Тинчлик элчиси” деган унвонга сазовор бўлган бўлса, 2001 йил Бухоро шаҳри ЮНЕСКОнинг “Тинчлик шаҳри” мукофоти билан тақдирланди. Ҳар йили 21 сентябрда Тошкентдаги “Дўстлик” боғида “Халқаро тинчлик куни” муносабати билан тадбирлар ташкил этилиб, тинчлик кўнғироғи чалинади.

Тошкент шаҳрида 2000 йил “Динлараро мулоқот ва тинчлик маданияти” мавзусида халқаро конгресс, Бухорода “Сўфизм ва динлараро мулоқот” мавзусида халқаро анжуман, 2007 йил Тошкентда “Марказий Осиёда ислом кадриятлари: бағрикенглик ва инсонпарварлик”, Тошкент ва Самарқандда “Ўзбекистоннинг ислом маданияти тараққиётида тутган ўрни”, Тошкентда “Марказий Осиё ва Ҳижоз ўртасида зиёрат йўллари”, 2014 йил “Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови” мавзуларида халқаро анжуманлар ташкил этилди.

2007 йил БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан Нью Йоркда “Динлараро муроса ва маданиятлараро мулоқот: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги халқаро илмий анжуман ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон бу борадаги ишларни жадал ривожлантириб борди. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг

72-сессиясида барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклаш, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қартилган таклифи асосида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилинди. 2017 йилнинг 2-12 октябрига кунлари БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид дин ва эътиқод эркинлиги борасидаги вазиятни ўрганиш мақсадида Ўзбекистонда бўлди. Унинг фикрича, “Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлаш бўйича ноёб тизим яратилган. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг дин ва эътиқод эркинлиги қонунчилик асосида кафолатланган”. Миллатлараро ва динлараро муносабатларни ривожлантиришдаги Ўзбекистон тажрибаси дунё мамлакатлари ҳамда БМТ ва унинг муассасалари томонидан эътироф этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро аҳилликда, тинч-тоувликда истиқомат қилмоқда, 16 та диний конфессия, 140 дан ортиқ миллий-маданий марказлар, 30 дан ортиқ дўстлик жамиятлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида таълим 7 тилда олиб борилмоқда, телерадио кўрсатувлари 12 тилда эфирга берилиб, газета ва журналлар 14 тилда чоп этилмоқда. Ўзбекистон жаҳоннинг 18 та давлатларидаги ҳамкорлар, 29 та ўзбек эмиграция ва диаспоралари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйилган.

Ўзбекистон марказий телевидениесининг турли каналлари, хусусан “Ахборот”, “Давр”, “Ассалом, Ўзбекистон”, “Пойтахт”, дастурларида шунингдек, “Ўзбекистон-умумий уйимиз”, “Ягона байроқ остида”, “Ягона оилада”, уйғур тилида олиб бориладиган “Умид”, қозоқ тилида “Жетеген” ва “Дийдар”, қирғиз тилидаги “Айчурек”, тожик тилидаги “Меҳрангез” ва “Рангинкамон”, татар тилидаги “Бизнен мерас” украин тилидаги “В доброй хате”, корейс тилидаги “Чинсен” кўрсатувлари миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик масалаларини ёритишда катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган янги ташаббусларнинг пайдо бўлиши ҳамжиҳатликнинг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилдир».